



ТОШКЕНТИМ – ДУНЁЛАР БЕШИГИ

М.Н.Эшонқулов

Чирчиқ ДПУ, магистрант

Аннотация: Мазкур мақолада ҳозирги адабий жараённинг фаол вакили Хушбоқ Раҳим ижоди таҳлил қилинганд. Унда шоирнинг достонлари, воқеликка муносабати ўрганилган. Маънавий масалаларни қамраб олган мисралари бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: воқелик, асар, жанр, бадиий таҳлил, достон.

Аннотация: В данной статье анализируется творчество процесса Хушбака Рахима, активного представителя современного литературного процесса. В ней исследуются былины поэта и его отношение к действительности. Стихи, касающиеся духовных вопросов, изучаются с точки зрения сегодняшнего дня.

Ключевые слова: реальность, произведение, жанр, художественный анализ, эпос.

Annotation: This article analyzes the work of Khushbak Rahim, an active representative of the modern literary process. It explores the epics of the poet and his attitude to reality. The verses dealing with spiritual matters are studied from today's perspective.

Key words: reality, work, genre, artistic analysis, epic.

Хушбоқ Раҳим мана ярим асрдан ортиқ Тошкентда ишлаб, ижод қилиб, яшаб келади. Шул сабаб бўлса керакки, 2017-йилда “Тошкентим – дунёлар бешиги” номли қасидасини китобхонларга тақдим этди. Қасида бир юз ўн етти шеър, муқаддима ва хотимадан иборат. Қасидада олам ва одам, табиат ва жамият, воқеа ва ҳодисалар, улар ўртасидаги муносабатлар қаламга олинган.

Асар “Обираҳмат ғори”дан бошланади. Ушбу ғорни қадимшунослар қайта-қайта ўрганганлар. Шоир бу ҳақда ёзади:

Очиқ муаммодан пинҳонлари кўп
Тафаккур шу ғорга ташлади қадам.
Жаҳон, олимларнинг хulosаси шу
Табиий жараёндан ҳозирги одам.
Обираҳмат ғори – муаммохона.

Тўғри, ҳозирги одам табиий жараёнларнинг маҳсули. Лекин шоир жуда эҳтиёткор. Уни муаммо ҳисоблайди. Ҳозирги воқеликка назар ташлайди. Куни кечакимлардир одам қиёфасини чизганларни сувдан олиб ўтга ташлаган. Бугун эса ундейларга мукофотлар беришяяпти. Бугун одамлар ой жисмидан намуналар олиб келди, бир кишининг юраги иккинчисига кўчирилди. Номи тирик зот



сунъий кўпайтириляпти. Асаблар, хўжайралар сони санаб чиқилди. Баридир “Обираҳмат ғори” муаммохона. Муаммога эса эртами кеч фан аниқлик киритади. Шоирнинг фикрича:

Муаммо ечилгай минг йиллар кейин
Сиз билан суҳбатга шоир қайтади.
Тупроқ жим, ҳаво тинч, сув эса довдир
Ҳақиқий жавобни зиё айтади:
Обираҳмат ғори – муаммохона.

Обираҳмат ғоридаги сиру синоатлар Тошкент воҳаси тарихининг бошланғич нуқтасигина эмас, балки, “Буюк бутунлик”нинг арзимас бир бўллагидаги ички табиий жараён. Бу моддий бўлакда ҳаётнинг имконияти, рўёби учун шароит бор, онгининг даражаси тошпичноқ билан ўлчанса-да, одам бор. Ҳаётнинг шакллари эса наботот, ҳайвонот, ҳашарот ва бошқалардан иборат. Ўзаро тафовутларни ҳисобга олмаганимизда ҳам уларнинг буюк бирлик ва бутунликлари мавжуд. Бундай боғланиш уларнинг нафас олиб, нафас чиқаришида, моддалар алмашинувида намоён бўлади. Моддалар алмашинуви нотирик табиатда таназзулга, тирик табиатда тараққиётга сабабчи.

“Тошкентим – дунёлар бешиги” асарининг ёзилиш сабаби, мазмуни ва моҳияти унинг муқаддимасиданок маълум. Шоир қасиданинг ёзилишига Хожа Убайдул-лоҳ, яъни Аҳрор Валий шахсиятига нисбатан чуқур хурмати ва эътиқоди сабаб бўлганлигини яширмайди. Асадаги “Муқаддима” шеърини ўқиймиз:

Чағонруд даштидан Мавлоно Чархий,
Хожа Убайдуллоҳ менга тикилди.
Осмонга интилган шамшоддай қадим
Улар қаршисида ёйдай букилди.

Дарҳақиқат, Мавлоно Чархий ёки Хожа Убайдуллоҳга ўхшаш ботин илми даҳолари ҳақида жўяли гап айтиш учун улар шахсиятига нисбатан хурматнинг ўзи кифоя эмас. Ўша давр муҳити, руҳияти, мафкураси, урф-одати, дунёқараши, иш вақти, бўш вақти, узоқ ўйловлар... Қизифи, ўйлаганингга баъзан ҳушингда эмас, балки тушингда тўқнаш келасан, киши. Шоир Хушбоқ Раҳимда ҳам шундай бўлган. У ёзади:

Шу топда бошимни силади Чархий,
Чақнаган чақмоқ ё шеър бўлди алам.
Елкада яктаги, Ҳазрати Аҳрор
Қалтироқ қўлимга ушлатди қалам.



Исталган амалий ишнинг таянч нуқтаси қонун. Ўн саккиз минг оламдаги буюм-ходиса, жумладан, Хожа Убайдуллоҳ, Жомий, Навоий, Бобур ва бошқа таниқли ва машҳур бўлмаган зотлар ҳам қонундан ташқарида-мас. Мавжуд қонуннинг талабига қўра моддий жисмлар, хужайрадан иборат организмлар шаклини ўзгартиради, бир ҳолатдан иккинчисига ўтади. Бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди. Бу қонун ҳатто қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайдиган маънавий ходисаларда ҳам амал қиласди. Аслини олганда бу ҳам ўзича қонун. Шоир Хушбоқ Раҳим “Қонун” шеърида қуйидагиларни ўринли ва бехато қайд қиласди.

Қонун тенг, хуқуқ тенг, Ватанимиз бир
Меҳнат майдонида оға-инимиз.
Ҳокимият бошқа, эътиқод бўлак
Давлатдан батамом айро динимиз.
Ким бўлсанг ҳам бир кун тупроқ олади,
Сендан кейин маънавият қолади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзбек халқининг барча хуқуқлари ва бурчлари баён қилинган. Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади ва улар қонун билан ҳимояга олинган.

Бугунги кунда мамлакатимизда турли динга эътиқод қилувчи, барча миллат вакиллари қабул қилинаётган қонунлар олдида тенг хуқуқлидир. Шеърни ўқишида давом этамиз:

Чағонруд кўксимда, кездим Тошкентни
Товушим ипакдай эшилиб кетди.
Хожа Аҳрор Валий иноятидан
Хулосам қонунга қўшилиб кетди:
Ким бўлсанг ҳам бир кун тупроқ олади,
Сендан кейин маънавият қолади!

Хожа Аҳрор Валий Тошкент шаҳрида Абу Бақр Қафмол мозори яқинидаги гузарда 1404-йилда туғилиб, 1490-йили Самарқандда вафот этган. Хожа Убайдуллоҳ йирик сўфий, олим, нақшбандия тариқати-нинг улуғ намояндаси, шоир, буюк тарбиячидирлар. Шоир Хушбоқ Раҳимнинг “Хожа Убайдуллоҳ” номли шеърини ўқиимиз:

Минг тўрт юз тўртинчи сана, рамазон
Мияга ўрнашди, бойитди онгни.



CANADA



CANADA

Тошкент ҳам маҳалла, чақалоқ йиғи
Бенисбат куч билан уйғотди тонгни.
Осмон ҳам юлдузни қаратди қиё,
Замин ҳам, баҳор ҳам, зариф ҳам зиё.

Хожа Убайдуллоҳ таълимот шажараси – “Силсилаи шариф”даги ўн тўққизинчи ҳалқанинг пири муршиди ҳисобланади. Ушбу ҳалқани Хушбоқ Раҳим “Силсилаи Заҳаб”, яъни “Олтин ҳалқа” деб, номлайди. Ушбу ҳалқа таълимот шажараси бўлиб, пиру устозлар ҳалқаси сифатида ишлатилган. Таълимот шажарасида ҳар бир пир, шайх, ўз устози ва насабномасини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламгача номма-ном билиши керак бўлган.

Шоир Хушбоқ Раҳимнинг “Тошкентим – дунёлар бешиги” қасидасидаги “Аҳори Валий” шеъри “Хожа Убайдуллоҳ” шеърининг давоми ҳисобланади. Ушбу шеърда Аҳори Валийнинг ҳёти давомида қилган ишлари қаламга олинади. Буни шоирнинг қуйидаги мисраларидан билсак бўлади:

Қадим Шош меҳмонга мунтазир, лекин
Умар Шайх Мирзонинг хазина дарди.
Элга юқ, тахмил кўп, мусулмонпарвар
Солиқни динорда тўлаб юборди.
Фуқаропаноҳда қудрат, ғулу йўқ,
Аҳор Валий, малҳам, лекин шумга ўқ.

Бобур Мирзонинг отаси Умар Шайх Мирзо Шош аҳолисидан 250 000 динор ҳажмида солиқ талаб қилганида Аҳори Валий уни ўз ҳисобидан тўлаб юборган. Шеърни ўқишида давом этамиз:

Хилватни рад этган, суҳбати жонон
Ёзма мулоқотга асос солинди.
Фақир ҳам йўқсилнинг қирғин, офати
Қонли урушларнинг олди олинди.
Фуқаропаноҳда қудрат, ғулу йўқ,
Аҳор Валий, малҳам, лекин шумга ўқ.

Шоир Хушбоқ Раҳим ушбу мисраларида Аҳор Валийнинг Алишер Навоий билан ёзишмаларида Навоийга ёзган қуйидаги сўзларига ишора қилмоқда: “Илтимос шуки, мусулмонларга ёрдам кўрсатиш учун хотира шарафингизни саройда мулозамат қилиш учун кўрсатсангиз. Ҳеч ким мусулмонлар ғамини емай қўйган бу вақтда улар ҳақида қайғуриш энг хайрли ишлардан кўринади”, – деган сўзларига ишора қилмоқда.



“Тошкентим – дунёлар бешиги” қасидасининг мазмуни бундан етмиш минг йил нари беридан бошланган ижтимоий ҳаёт унсурларинниг ўзаро муносабатлари, яъни инсон фарзандларининг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва маънавиятга бўлган эҳтижларини қондириш учун ташқи табиат билан, бир-бирлари билан, ўзи ўзи билан гоҳо очик, гоҳо яширин курашлари мажмуасидан иборат. Курашлар эса меҳнат қурол-воситаларисиз ҳеч нима.

1483-йил 14-февралда туғилган Бобур Мирзонинг “Заҳириддин Муҳаммад” деган гўзал исмини Ҳожа Аҳрор Валий қўйган эканлар. Шоир Ҳушбоқ Раҳим “Заҳириддин Муҳаммад” номли шеърида Бобур Мирзонинг исмини Ҳожа Убайдуллоҳ томонидан “Заҳириддин” деб ном қўйганига ишора қилиб, шундай ёзади:

Тупроғи жаннатга тўшак Андижон,
 Тошкент ҳам тафаккур чанқоқ зиёга.
 Тоғлар чўққисида мангу чўккан тонг
 Янги бир истеъдод келди дунёга.
 Ҳожа Убайдуллоҳ ўйлаб зотини,
 Заҳириддин қўйди, Бобур отини.

“Заҳир” сўзи арабчада “диннинг ҳамкори” деган маънони берар экан. Ҳожа Убайдуллоҳ Мирзо Бобурга беҳудага “Заҳириддин” исмини қўймаган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодлари Ҳиндистонда 332 йил хукмонлик қилган. Шеърни ўқишида давом этамиз:

Жаҳонгир Темурга бешинчи авлод
 Умаршайх Мирзонинг оловли изи.
 Абусаид Мирзо қайин Юнусхон,
 Чингизхон, Чифатой Бобур илдизи
 Ҳожа Убайдуллоҳ ўйлаб зотини,
 Заҳириддин қўйди, Бобур отини.

Ҳушбоқ Раҳим Мирзо Бобурга бўлган ихлоси туфайли ушбу шеърнинг давоми сифатида “Бобур” номли шеърини ёзди. Шеърни ўқиймиз:

Суяқ-суякларда иймондай пинҳон
 Ҳожа Убайдуллоҳ, Чархий ҳам шашти.
 Устозу шогирддан осмондай огоҳ
 Қадим Чағониён, Чағонруд дашти.
 Мўйсафид Боботоғ, эл мафтун ўша,
 Бобурни ғанимдан яширган гўша.



CANADA



CANADA

Ўз навбатида Мирзо Бобурнинг Хожа Убайдул-лоҳга нисбатан ихлослари баланд бўлиб, у ҳақида шундай деганлар:

Хожалар Хожаси ул Хожа Убайд,
Ходиму чокари Шиблийу Жунайд.
Ҳолату мартабаси зоҳирдир,
Васфу таърифида тил қосирдир.

Мирзо Бобур ғанимларидан қочиб, Чағониёндаги Боботоғда икки муддат яшаб туради. Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида ёзишича, у Ҳисор водийсида биринчи марта 1500-1501-йиллари, иккинчи марта 1503-1504-йилларда бўлганини баён қилган:

“Вақоен сана ситта ва тисъа миа (тўққиз юз олтинчи (1500-1501) йил воқеалари). Самарқандни ўзбак олгач, Қешдин Ҳисор сари мутаважжи бўлдук...

Навандок (ҳозирги Узун тумани ҳудудига тўғри келиб. Боботоқقا тегишли ҳудуд ҳисобланади) навоҳисиға етганда, Хисравшоҳнинг навкари бир тўққуз от ва бир тўққуз парча келтурди... (73-бет.)

Вақоен сана тисъа ва тисъа миа (тўққиз юз тўққизинчи (1503-1504) йил воқеалари). Мухаррам ойида Фарғона вилоятидин Ҳурросон азимати била Илоқ (ҳозирги Ҳисор водийсининг шарқий чегараси, Боботоғнинг шарқий қисми бўлиб, ҳозирда Тожикистон ҳудуди) яйлоғигаким, Ҳисор вилоятининг яйлоқлариданур, келиб туштум. Ушбу юртта йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзимга устара қўйдим. Мени умидворлик била иришиб юрадургонлар икки юздин қўпроқ, уч юздин озроқ бўлгай эди...” (109-бет). Шеърни ўқишда илгарилаймиз:

Чанқовуз, дўмбира, тўйли, қўйли юрт
Мардларнинг бирлиги омад бўлажак.
Тоғу тош, тупроқ ҳам ошкора айтди,
Захмат зардобида тахт ҳам келажак.
Мўйсафид Боботоғ, эл мафтун ўша,
Бобурни Афғонга кузатган гўша.

Хушбоқ Раҳим ўз юрти Чағониённи улуғлаб тўйли, қўйли, чанқовуз ва дўмбира куйланадиган мардлар юрти, тоғлари тош, ерлари ҳосилдор, Бобурни Афғонга кузатган гўша деб улуғлайди. Ўз юртини улуғлаш ҳар бир шоирга хос фазилатдир.

Табиийки, қасиданинг мақсад ва вазифаси Ўзбекистонимизнинг пойтахти бўлмиш Тошкент шаҳрининг тарихи, унда яшаб, ижод қилган олиму фузалолар ҳаётини, улар қолдирган илмий мероснинг мазмун ва моҳиятини очиб



беришдан иборат. Шоир Хушбоқ Раҳим “Тошкент” номли шеърида ўз мақсадига эришган деб ўйлаймиз:

Эркимни элларга танитган даргоҳ
Зўрлик салтанати инкор эмас, рад.
Деҳқон ҳам ўғлига нон тутган тупроқ
Халқимнинг қошида киприқ қоққан гард.
Сак ё хун, Тумарис, Широғим – Тошкент,
Чақмоқтош, чўққи ҳам чироғим – Тошкент...

Фаришта парвона майдон, фаввора
Қалбдаги қирқ кокил қиз мисол суюк.
Ўзбек халқи номли улуғ миллатнинг
Бугуни сафоли, эртаси буюк.
Сак ё хун, Тўмарис, Широғим – Тошкент,
Чақмоқтош, чўққи ҳам чироғим – Тошкент. ...

Шеърий сатрлардаги мазмун ва ижтимоий юкларни тушуниш ҳамда уларнинг изоҳи китобхонларга ҳавола. Лекин мозийдан аёлларнинг номи дастлаб “Матриархат” шаклида машҳур. Аслида тарихнинг боши оналарнинг биринчи қадамларидан бошланган. Фарзанд ва улар отасини эъзозлаш ва едириш, ичириш оналар зиммасига тушган. Хуллас, оналар ҳовлиниң сариштаси, рўзгорнинг фариштаси, битмас-туганмас меҳру садоқат хазинаси. Узоқ ўтимишда улар уй ичига ўчоқ бошига, оталар эса уйнинг остонасига кўмилганлар. Бунинг сабаби шоир Хушбоқ Раҳимнинг “Ота-она ишончи” шеърида шундай изоҳланади:

Она билан еру кўк
Олқишлирга чўмилган,
Ота деган буюк зот
Остонага кўмилган.
Изоҳ берсам, оталар
Оиланинг қурчидир.
Она, юртни қўриқлаш
Оталарнинг бурчидир.

Дарҳиқат, Ватанни асраш, оилани қўриқлаш, тинч-омон сақлаш, уларнинг моддий-маънавий эҳтиёжлари-ни қондириш ота, кейин онанинг қонуний бурчи. Элдаги “Эру хотин қўш хўқиз” ибораси бекорга эмас.

“Тошкентим - дунёлар бешиги” қасидаси мазму-нига кўра тарихий ҳодисаларни, табиий-илмий ва фалсафий қонун-қоидаларни шеърий умумлашмалар орқали сингдириб юборилганлиги шоирнинг билим ва маҳоратидан, десак бўлади.

Шоир “Тошкентим - дунёлар бешиги” қасидасини ҳурматли устози Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Абдураҳмон Ортиқовнинг хотирасига бағишилагани бежизга эмас. Устоз 1930-йили Украина нинг Херсон вилояти Скадовский туманига оиласидан сургун қилингандардан. Занги Ота масжиди имоми Кушоқбек Одилбек ўғли Ортиқбекнинг 12 ёшли тўнғич фарзанди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фалсафа фанлари доктори, профессор Абдураҳмон Ортиқов эдилар.

А.Ортиқовнинг ўсмирилик йиллари Скадовскийда сургунда ўтди. Унда Тошкентнинг Оқ уй мавзесидан Умарали ака, Ўзбекистон Халқ ёзувчisi Шукруллонинг турмуш ўртоғи Мунавварахонимнинг оналари Инабатхон отин, Қўқон хони Худоёрхон авлодларидан Сайид Амруллоҳбек, Абдулҳамидбеклар билан бирга Советлар зулмининг ўлимдан бошқа барча азоб ва аламларини бошидан кечирди. Онаси Соҳибабону, синглиси Хожинисо ва укаси Жалолидиннинг бекафан бўлса ҳам кўмилганини кўра олмади. Унга ўн саккиз ёшида Тошкентга қайтишга рухсат теккан эди. Тошкентга келди. Ўй-жой мусодара қилинган. Бошпанасиз бўлса ҳам Тошкентда яшашга рўхсат йўқ. Тошкентдан юз киллометр нарида... Ана, Сизга ҳуқуқ, Советларнинг маҳаллий ҳалққа нисбатан “одил” сиёсати. Бундай сиёсат соғлом юракларни қон, жисмоний баркамол вужудларни заъфарон қиласиди. Шундай муҳитнинг зулм залварларига чидаган, беандишиликларга бардош берган иродага қойил. Бугунги доруломон замон, озод ва обод Ватан юқоридаги хўрланганларнинг аччиқ кўз ёшлари қайтими бўлса, не ажаб! Хушбоқ Раҳим “Устоз ҳасрати” номли шеърида ёзади:

Эй ғофил, эй тўқлиқ, эй шўхлик, ҳайҳот
Киртайган қўзларим ашки қурибди.
Истиқлол, ўн уч йил, лекин қаршимда
Хўрланган устозим йиғлаб турибди.
Бехуқуқ қўкракнинг ками тўлмади,
Устоз ҳасратига чидаб бўлмади.

Хушбоқ Раҳим учун Тошкент воҳасининг қазилма бойликларига бой тоғларининг ҳар тоши, тупроғи, суви, ҳавоси, юлдуз тўла тинч осмони, гиёҳ, гули, қуши, қуралайи, одамлари, оила, маҳалла, туман, хиёбон, музей, кутубхона, йўллари, қат-қат кўприклари, муҳташам сарой, Ангрен-Поп темир йўли ва бошқалардан ҳар бири ўзича бетакрор бир дунё. Пойтахт Тошкент эса ўша дунёлар бешигидир. Хушбоқ Раҳим улардан барчасини шарафлагиси, мақтовини



қиёмга келтиргиси келади. Зиё умонидан зар кутарғандек кайфиятда шоир шеър битади. Гоҳида Белдорсой сувидай ўйнаб-ўйнаб оқишини ва сувнинг умрича умр қўришини орзу қилади. Чирчиқ билан Чорвоқни қалбларнинг қони, Тошкентнинг жони деб юксак баҳолайди. Аслида ҳам шундай. Шоир “Тошкентнинг жони” номли шеърида шундай тараннум этади:

Куббаси юлдуздай баланд ҳар бино
Кўп йиллик чинордан қомати росам.
Фалсафа отида олам айланиб,
Кураи Заминда ичилган қасам:
Табиат инъоми, қалбим ҳам қони,
Чирчиқ у, Чорвоқ у, Тошкентнинг жони!

“Тошкентим – дунёлар бешиги” қасидаси юқори-ларда қайд қилингани мисоли тарихий, ижтимоий, сиёсий илмий, фалсафий, бадиий пишиқ асарлардан. Шоир Тошкентга нисбатан самимий муҳаббатини изҳор этар экан, китобхонларни ҳам Ватанни севишга, уни ардоқлашга, Ватан учун, Тошкент учун хизмат қилишга, озод ва обод Ватаннинг осудалиги, хотиржамлиги, тинчлиги учун тер тўкишга, меҳнат қилишга чақиради.

Тошкент воҳаси, Ватанимиз пойтахти Тошкент ҳақида кўплаб ибратли асарлар ёзилган. Хушбоқ Раҳим таъбирича, қатралар қўксидаги уммонлар ҳали ижодкорларини интиқ кутяпти. Уларни кимлардир бекаму кўст якқалам қиласди. Бунга шубҳа йўқ. Лекин қандай ва қанчалар асар ёзилмасин, Хушбоқ Раҳим ичган бир қултим сув (“Тошкентим – дунёлар бешиги” қасидаси) ўз сифати, ўрни, салмоғи ва қиёфасини йўқотмайди. Шеърият ихлосмандлари бу қасида она юртимизнинг мўътабар ва азиз инсонлари учун, азим пойтахт Тошкент учун ёзилган бекиёс бир нома эканлигига амин бўлишади.

АДАБИЕТЛАР РУЙХАТИ:

1. Хушбоқ Раҳим. Тошкентим – дунёлар бешиги. Қасида. “Tafakkur qanoti” нашриёти, Тошкент-2017.
2. О.Шарафиддинов “Замон – Қалб - Поэзия” Т.,Ўззадабийнашр,1962